



## RESETTLEMENT OF POPULATION FROM RUSSIA TO TURKESTAN: ITS AIMS AND OBJECTIVES

**Nuriddin Musaev**

*Doctor of Historical Sciences, Professor  
National University of Uzbekistan  
Tashkent, Uzbekistan*

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** relocation of restless population, “serfdom”, Senator K. K. Palen, “Dukchi Eshon” uprising, elimination of unemployment, Mingtapa, Kashgar, Tajik villages, Andijan uprising, decline in rural population, development of Mirzachul, unauthorized settlers in Semirechye, Skobelev and Namangan districts, Semirechye region, Syrdarya region, Chymkent district, Auliye-Ata district, Krivoshein, V. V. Bartold.

**Received:** 19.10.25

**Accepted:** 20.10.25

**Published:** 21.10.25

**Abstract:** Under the pretext of resettling Russian-speaking populations, local inhabitants were forcibly deprived of their lands, and rifles were distributed to protect newly arrived Russian peasants. The expansion of monetary relations and the spread of usury, along with increasing unemployment, led the authorities to seek ways to reduce the number of jobless people by relocating them to Turkestan. As the rural population continued to decline, forced resettlement into Turkestan intensified. Efforts were made to develop the lands of Mirzachul, while at the same time restricting the movement of new settlers. Thus, population resettlement to Turkestan, the development of Mirzachul lands, and the imposition of settlement prohibitions became key components of the imperial policy.

## РОССИЯДАН ТУРКИСТОНГА АҲОЛИНИ КЎЧИРИЛИШИ, УНДАН КЎЗЛАНГАН МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАР

**Нуриддин Мусаев**

*Тарих фанлари доктори, профессор  
Ўзбекистон Миллий университети  
Тошкент, Ўзбекистон*

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** Нотинч аҳолини кўчириш, “Крепостной хукук”, сенатор К.К.Пален, «Дукчи эшон» кўзғолони ишсизлардан кутилиш, «Мингтепа,

**Аннотация:** Русийзабон аҳолини кўчириб келтириш баҳонасида аҳолиси ерларини мажбуран тортиб олиш, кўчиб келган рус деҳқонларини химоя қилиш

Қашғар, Тожик кишлоқлари, Андижон қўзғолони, кишлоқ аҳолисини камайиши, Мирзачўлни ўзлаштириш, Еттисув вилоятига рухсатсиз кўчиб келганлар, Скобелов ва Наманган уездлари, Еттисув вилояти, Сирдарё вилояти, Чимкент уезди, Авлиёта уезди, Кривошейн, В.В. Бартольд.

учун уларга винтовкалар тарқатиш, пул муносабатлари шаклланиб, судхурликнинг ёйилиши, бекорчи ишсизлардан кутилиш чоралари, кишлоқ аҳолисини камайиб бориши, Туркистонга аҳолини мажбурий кўчириш, Мирзачўл ерларини ўзлаштириш, кўчиб келувчиларни таъқиқлаб қўйиш. Туркистонга аҳолини мажбурий кўчириш, Мирзачўл ерларини ўзлаштириш, кўчиб келувчиларни таъқиқлаб қўйиш.

## ПЕРЕСЕЛЕНИЕ НАСЕЛЕНИЯ ИЗ РОССИИ В ТУРКЕСТАН: ЦЕЛИ И ЗАДАЧИ

**Нуриддин Мусаев**

*Доктор исторических наук, профессор  
Узбекский национальный университет  
Ташкент, Узбекистан*

### О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** переселение «беспокойного» населения, «крепостное право», сенатор К. К. Пален, восстание «Дукчи эшона», избавление от безработных, Мингтепа, Кашгар, таджикские кишлаки, Андижанское восстание, сокращение сельского населения, освоение Мирзачуля, самовольные переселенцы в Семиречье, Скобелевский и Наманганский уезды, Семиреченская область, Сырдарьинская область, Чимкентский уезд, Авлиетотинский уезд, Кривошеин, В. В. Бартольд.

**Аннотация:** Под предлогом переселения русскоязычного населения у местных жителей насильственно отбирались земли, а вновь прибывшим русским крестьянам для их защиты выдавалось оружие. Формирование денежных отношений и распространение ростовщичества, а также меры по избавлению от растущей массы безработных способствовали политике переселения населения в Туркестан. На фоне уменьшения сельского населения усиливались процессы насильственного переселения, при этом предпринимались попытки освоения земель Мирзачуля и одновременно вводились ограничения на прибытие новых переселенцев. Таким образом, принудительное переселение населения в Туркестан, освоение земель Мирзачуля и запреты для переселенцев стали важными элементами колониальной политики.

Туркистон босиб олингандан кейин чоризм маъмурлари ўлка Россия учун бебаҳо бебаҳо жавоҳир эканлигини қайта-қайта эътироф этишгиб, бу ерда мустаҳкамланиб олиш учун қўлларидан келган барча чора-тадбирларни кўра бошладилар. Бунинг учун биринчи навбатда Россияда 1861 йилда “Крепостной ҳуқуқ” бекор қилингандан иш қидириб рус посёлкаларидан шаҳарларга оқиб кела бошлаган “ортикча” нотинч аҳолини кўчириш

сиёсатини олиб бордилар. Туркистонда тафтиш ишларини олиб борган сенатор К.К.Пален Россия манфаатларидан келиб чиқиб, шундай фикрни баён қилган эди: “Бу ўлка Россияга қўшилган кунидан бошлаб рус ҳукуматини икки томонлама: 1) молиявий сиёсат нуқтаи-назаридан давлатнинг даромад манбаи ва товарлар учун янги бозор сифатида; 2) мустамлакачилик сиёсати нуқтаи-назаридан ортиқча аҳолини жойлаштириш учун янги вилоят сифатида қизиқтиради(1)”. Чекка ўлкаларга ортиқча аҳолини кўчириш шунчаки эҳтиёж учун қилинган иш эмас эди. Илгари қишлоқ хўжалигида банд бўлган аҳолининг мунтазам суратда камайиб бориши капитализмга хос хусусият бўлиб, у билан тўкнаш келган деҳқонлар ё саноат ишлаб чиқаришида ишлашга ёки бошқа юртларга кўчиб кетишга мажбур эдилар.

Бундай сиёсат чоризм учун 1-дан Туркистонга “ортиқча” аҳолини кўчириб шаҳарларда тўпланиб қолаётган ишсизлардан тезроқ қутилиш; 2-дан ўлкада стратегик жиҳатдан мустаҳкамланиб олиш; 3-дан чоризм сиёсатига мос мустамлакачилик тартибларини кенг жорий этиш; 4-дан ўлкада таянч пунктларини кучайтириш учун зарур эди. Айни пайтда, рус буржуазияси саноат ишлаб чиқаришидан яхши хабардор бўлган малакали ишчиларни чекка ўлкалардаги ўз корхоналарига жалб қилишдан ҳам манфаатдор эди. Шундай қилиб, юқорида кўрсатилган сабабларга кўра, ўлкага русийзабон аҳолини кўчиришга ҳаракат кучайиб борди.

Дастлаб русларни Туркистонга кўчириб келтириш сиёсати мажбурий амалга оширилди. Рўйхатга тушиб қолган ўзига тўқ кишилар ўз ўринларига камбағалларни жўнатишга ҳаракат қилишган. Бироқ, кейинчалик ихтиёрий кўчиб келувчиларнинг сони тобора кўпайиб борди. Расмий маълумотларга кўра, кўчиб келганларнинг 43,1% мол-мулксиз, 37,8% пулсиз эдилар. Кўчиб келган деҳқонларга ўртача 38,8 сўмдан пул берилган. Уларнинг 17,4 % -1; 53,8 % -1-3; 14 % -3-5; ва 14,8 % -5-10 десятина ер олишган(2). Кам ер олган деҳқонлар бошқаларнинг ерларида ёлланиб ишлашга ёки шаҳарларга иш қидириб кетишга мажбур бўлишган. Бу ўлкада деҳқонларнинг пролетарлашиш жараёнини бошланишига сабаб бўлди.

Русийзабон аҳолини Туркистонга кўчири ташаббускорларидан бўлган, чор ҳукуматининг деҳқончилик ва ер тузилиши ишлари бошқармаси бошлиғи А.Кривошейннинг фикрича марказий губерняларидан ортиқча аҳолини кўчириш, 1-дан, рус қишлоқларида тинчлик ва тартиб ўрнатишга ёрдам берса, 2-дан, Туркистонда бўш ётган ерларни ўзлаштириш имконини беради. Бунинг учун у Мирзачўлда бир неча юз минг десятина ерларни ўзлаштириб, бу ерларга «рус элементларини» кўчириш, уларга энг яхши ерларни беришни тавсия қилди. «Бадавлат мусулмон аҳолиси орасида,-деб ёзган Кривошейн,- кўчиб келган руслар камбағал, абгор ва камситилган хўжайин бўлиши

мумкин эмас. Русларнинг Туркистондаги сиёсий устунлиги уларнинг хўжалик юритиш имконияти билан мустаҳкамланиши лозим. Кўчиб келган рус-хўжайин ерида сарт ишчисини кўриш, сартнинг ерида рус батрагини кўришдан кўра ёқимлироқдир»(3).

Туркистон ўлкасига руслар кўчиб келтирилишидан олдин ҳам барча суғориладиган ерлар банд эди. Чор ҳукумати маҳаллий халқлар эгаллаб турган ерларга русларни жойлаштириш учун турли сабабларни ўйлаб топди. Масалан, биргина «Дукчи эшон» кўзғолони баҳонасида «Мингтепа, Қашғар, Тожик қишлоқларининг туғилиб ўсган ерларидан қувилган аҳолининг бир қисми Аравон томонларига кўчиб кетди, 780 хонадон эса Мингтепадан икки чақирим жанубдаги адирликка кўчадиган бўлишди. Уч қишлоқ аҳолисига 1899-йил 1-мартгача уй-жойларини бузиб, кўчиш буюрилди. Бу буйруқ ўз вақтида бажарилди. 1899-йил 4-мартда эса уйлари бузилган уч қишлоқ ўрнига янги эгалари кўчиб кела бошлади» (4).

Янги кўчиб келганларни маҳаллий аҳолининг қаршилигидан муҳофаза қилиш, уларнинг ўлкада ҳукмронлик мавқеини мустаҳкамлаш учун қуроллантирилди. 1898-йилги Андижон кўзғолонидан ниҳоятда қўрқиб қолган чор маъмурлари янги вужудга келган рус посёлкалари аҳолисини қуроллантиришга киришдилар. Маъмурлар кўтарилиши эҳтимоли баланд бўлган партизан урушини олдини олишга жиддий тайёргарлик кўришган. Шу мақсадда «1898- йили Еттисув вилоятида яшаётган 1 минг казак ва 2 минг рус деҳқонига 3000 винтовка тарқатилди. Шу йили Фарғонага 90 та, 1899-йили 258 та винтовка, икки йил ичида жами 348 та винтовка ва 22452 патрон жўнатилди. Шундан, 1900-йили рус деҳқонларига 131 та винтовка тарқатилди. Шу йили темир йўлчиларни қуроллантириш учун темир йўл ихтиёрига 2069 та винтовка ва 62072 та патрон жўнатилди»(5).

Туркистонга кўчиб келувчилар сони кўпайиб кетгандан кейин кўчиб келиш расмий жиҳатдан таъқиқлаб қўйилган бўлсада, келгиндилар сони камаймади. Айниқса, биринчи рус революцияси даврида ижтимоий аҳволи оғирлашган ва Туркистонда ҳосилдор ерларга эга бўлиш имконияти борлигини эшитган рус деҳқонлари оммавий суратда кўчиб кела бошладилар. Масалан, 1906-йили Еттисув вилоятида рухсатсиз кўчиб келганлар 16 минг кишини ташкил қилган бўлса, 1907-йили уларнинг сони 33 минг кишига етган(6).

Кўчиб келувчиларнинг асосий қисми Сирдарё вилоятига келиб жойлашдилар. Улар Чимкент уездида 18 та, Авлиёота уездида 25 та, Тошкент уездида 11 та посёлка ташкил этдилар. Фарғона вилоятига эса 650 та оила кўчиб келиб, улар Скобелов ва Наманган уездларида биттадан, Ўш уездида 2 та, Андижон уездида 3 та посёлка бунёд қилдилар. Самарқанд вилоятига руслар нисбатан оз кўчиб келишган бўлиб, бу ерда улар жами 2 та посёлка вужудга келтирилди. Улардан биринчиси, 180 оилалик посёлка Хўжанд уездида, иккинчиси, 100 оилалик посёлка Каттақўрғон уездида ташкил топди(7). 1911-йилга келиб

ўлканинг учта туб вилоятига жами 1399 оила кўчиб келди. Шундан Сирдарё вилоятига 1111 оила, Самарқанд вилоятига 224 оила ва Фарғона вилоятига 64 оила келиб жойлашди(8).

Шаҳарларда аҳолининг ўсиши қишлоқ жойларига нисбатан тезроқ борди. Агар 1897-йилдан 1907-йилгача Туркистонда шаҳарлар аҳолиси 221854 кишига ёки 30,51 %га кўпайган бўлса, қишлоқ аҳолиси эса 687883 кишига ёки 15,78 %га кўпайди. Ўша даврда шаҳарларда маҳаллий аҳолининг кўпайиши 25,83 %ни ташкил этган бўлса, русларнинг кўпайиши 53,59 %ни ташкил этди. Академик В.В. Бартольднинг таърифи бўйича бу даврда Тошкент «нафақат Туркистоннинг балки Россиянинг бутун Осиё қисмини энг йирик иқтисодий, сиёсий ва маданий марказига айланди. Русларнинг сони бу ерда аста-секин 50000 кишига етган; бутун ўлкада русийзабон аҳоли шунчалик кўп бўлган бошқа бирорта шаҳар йўқ эди»(9). «Туркистон ўлкасини бошқариш ҳақидаги» низомга асосан, Туркистон ўлкасига келган русийзабон аҳоли маҳаллий миробларнинг ариқлар қазишдаги тажрибаларини ўрганишиб, ариқлар қазишда бир қатор ютуқларга эришишган. Бироқ маҳаллий аҳоли томонидан илгаридан деҳқончилик ишлари олиб борилмаган Мирзачўл каби тупроқ тузилиши яхши ўрганилмаган ҳудудларда улар етарли даражада самарадорликка эриша олмаганлар. Шунингдек, бутун Туркистон ҳудудларида товар – пул муносабатлари шаклланиб, судхурлик тарқала бошлади, ер билан савдо қилиш кучайиб, ерсиз деҳқонлар сони кўпайди, судхўрлик капитали камбағал деҳқонларни тобора кўпроқ ўз домига илинтира бошлади. Чор маъмурияти ва маҳаллий бойлар томонидан икки томонлама эксплуатация қилинаётган деҳқонлар тобора кўпроқ қарзга ботдилар ва пролетарлашган деҳқонлар сафи кўпайиб, улар ўзлари учун нотаниш бўлган ишлаб чиқариш жараёнига тортила бошладилар. Бу уларнинг норозилик ҳаракатларини тобора кучайтира бошлади.

Туркистон халқларининг ҳам капиталистик ишлаб чиқариш доирасига тортилиши бу ерда ишлаб чиқариш кучлари ривожига туртки берилган бўлса-да, ижтимоий муносабатлар ва ишлаб чиқариш усулларида туб ўзгаришлар содир бўлмади. Аммо, қишлоқ хўжалигига капиталистик муносабатларнинг кириб келиши туфайли асрлар давомида яшаб келаётган патриархал – феодал муносабатлар инкирозга учради. Натурал деҳқон хўжаликларининг бозорга қарамлиги кучайиб, улар товар – пул муносабатларига тобора кўпроқ тортила бошлади. Туркистонда яхлит маъмурий бошқарув тизимининг ўрнатилиши ягона миллий бозорни вужудга келишига замин яратди. Бу ўз навбатида, қишлоқ хўжалигида ихтисослашиш жараёнини тезлаштирди. Масалан, Фарғона водийси асосий пахта етказиб берувчи ҳудудга, Самарқанд вилояти дончиликка, Сирдарё ва Ёттисув вилоятлари дончилик ва чорвачиликка ихтисослашдилар. Бу вилоятлар ўртасидаги иқтисодий ва савдо алоқаларини мустаҳкамлади.

Шундай қилиб, “XIX аср охирида Русия империяси ер юзи қуруқлик қисмининг олтидан бирига эгалик қила бошлади. Русия 200 га яқин миллат элатларнинг турмаси бўлиб қолди, 50 га яқин камсонли халқ ўз миллий қиёфасини йўқотди. Унинг ҳудуди эса 22 миллион 400 минг квадрат километр бўлиб қолди. Бундан кўринадики, агар Русия давлат бўлиб шаклланганида унинг ҳудуди 200 минг квадрат километр бўлса 4 аср давомида кўшнилари ери, асосан Турон замин ҳисобига 10 баробардан ортиқ кенгайган, у бунга фақат босқинчилик билан эришган” (10).

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Пален К.К. Материалы к характеристике народного хозяйства в Туркестане. Ч. I. – С. 12.
2. Социально-экономическое и политическое положение Узбекистана накануне Октября. – Ташкент: Фан, 1973. – С. 23.
3. Касымбеков К.Ф. К вопросу присоединения Средней Азии к России и его прогрессивное значение. – Андижан, 1961. – С. 127.
4. Кривошейн А.В. Записка главноуправляющего землеустройством и земледелием о поездке в Туркестанский край в 1912 г. Приложение к всеподданнейшему докладу. – СПб., 1912. – С. 4.
5. Эгамназаров А. Сиз билган Дукчи эшон // Шарқ юлдузи. – 1993. – № 10–12. – 48-б.
6. Галуза П.Т. Вооружение русских переселенцев в Средней Азии. – С. 24–25.
7. Бартольд В.В. Сочинения. Т. II, часть I. – М.: Издательство восточной литературы, 1963. – С. 338.
8. Ватан туйғуси. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 106-б.